

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЛАЛМИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**Маматқулов Турсунқул**

**ЛАЛМИКОР ВА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ЭКИШ УЧУН АРПАНИНГ  
СЕРҲОСИЛ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**06.01.05–“Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича ҳимоясиз селекция  
ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc)  
илмий даражасини олиш учун**

**ТАҚДИМОТИ**

**Илмий маслаҳатчи:  
қ.х.ф.д., профессор**

**Н.Х.Халилов**

**Тошкент-2022**

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) тақдимоти селекция ютуғи (ихтиро патенти) аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича арпа (*Hordeum vulgare* L) дони чорвачилик ва парандачиликда озуқа, озиқ-овқат ва пиво саноати учун арпа солоди тайёрлашда ишлатилади. ФАО нинг 2019 йилги маълумотларига кўра, дунё бўйича арпа майдони 51,3 млн гектарни, етиштирилган ялпи ҳосил 152,3 млн тоннани ташкил этган. Ҳозирги кунда арпа етиштириш бўйича Россия (23148450 т), Украина (12611500 т), Франция (12171300 т), Германия (11967100 т), Канада (11781400 т), Испания (11261100 т) мамлакатлари етакчилик қилади<sup>1</sup>. Арпадан олинадиган маҳсулотларни ишлатилиши жиҳатидан оммабоплиги ҳисобига, 2024-2025 йилларда жаҳон бўйича экин майдонини 6,2% ошириш ва ялпи ҳосилни 157-160 млн. тоннага етказиш белгиланган. Арпанинг қурғоқчиликка ўта чидамли нав намуналаридан фойдаланган ҳолда серҳосил, дон сифати юқори, турли хил касаллик ва ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамли бўлган навларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида арпанинг янги навларини яратишда қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, ҳосилдорлиги ва донининг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нав намуналаридан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ҳозирги кунга қадар арпанинг 100 дан ортиқ баҳорги ва 40 дан ортиқ кузги навлари районлаштирилган. Шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркия, Швеция, Белоруссия, Германия, Словения, Дания, Белгия, Франция каби мамлакатларда арпа селекциясини янада ривожлантириш учун селекция ва генетик ишларини физиологик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Шу сабабдан, арпанинг янги навларини яратишда дунё генофондидан ҳамда навларидан кенг фойдаланилган ҳолда эртапишар, серҳосил, ташқи муҳитнинг кескин ўзгарувчан омилларига, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, сув танқислиги шароитларида етиштиришга мос, энг муҳими юқори сифатли навларини тезроқ яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси селекционер олимлари олдида турган асосий вазифалардан бири экологик иқлим ўзгаришлари натижасида кузатилаётган атмосфера қурғоқчилиги, сув ресурсларининг чекланганлиги туфайли арпа навларини яратишда бошланғич манбаларни тўғри танлаш ва улардан селекция усулларидан фойдаланилган ҳолда янги тизмалар ва навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга

---

<sup>1</sup> Food and Agriculture Organization. 2020. Statistics: [www.ab-centre.ru](http://www.ab-centre.ru)

мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган<sup>2</sup>. Бу борада арпанинг жаҳон коллекциясидан келтирилган нав ва намуналардан селекция жараёнида кенг фойдаланган ҳолда, республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мос, ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларни яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ва 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ-521-сон «Уруғчилик тўғрисида»ги қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Арпа нав ва намуналарини иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлилик генетикаси, селекцияси ва уруғчилигига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Уммон), Сидней унверситети (Австралия), Одесса селекция ва генетика ИТИ (Украина), Россия Ўсимликшунослик ИТИ, Донецк давлат қишлоқ хўжалик тажриба станцияси (Украина), Ноқора тупроқ зонасининг марказий туманлари қишлоқ хўжалиги ИТИ (Россия), Краснодар қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти (Россия), Красноводопад қишлоқ хўжалик тажриба станцияси (Қозоғистон) ва бошқа тадқиқот марказларида олиб борилмоқда.

Дунёда энг кўп арпа етиштирувчи Европа Иттифоқи (ЕИ), Россия, Украина, Канада, Австралия, Туркия ва АҚШ каби кўпгина давлатларда арпа навларининг серҳосил, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли, озуқа ва пивобоп янги навларини яратиш бўйича А.Я.Трофимовская, М.В.Лукьянова, П.Ф.Гаркавий,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

А.А.Линчевский, Э.Д.Неттевич, Н.Г.Сурин, А.А.Сокол, Я.Лекеш, И.Бораш, R.Arangco, V.Berdik, F.Wetlenmann, F.Bruckner ва бошқа олимлар томонидан катта ютуқларга эришилган. Арпа нав ва намуналарининг эртапишарлик, ташқи муҳит омилларига чидамлигига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Арпа селекцияси ва етиштириш технологияси бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи халқаро илмий марказларида S.Grardo, B.Eggum, L.Munck, I.T.Prozil, R.Arangio, S.K.Yau, A.A.Жученко, В.М.Шевцов, Н.А.Родина, А.А.Грязнов, Г.В.Удовенко, Н.Н.Кожушко, А.А.Олейник, П.Л.Гончаров, В.Т.Манзюк (Россия) олимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ҳозирги кунда дунёда арпанинг эртапишар, серҳосил, ташқи муҳитнинг турли ноқулай омилларига (қурғоқчиликка, иссиқликка, шўрга, касаллик ва зараркунандаларга) чидамли ва қимматли-хўжалик белгиларини ўзида мужассамлаштирган озуқабоплик ҳамда пивобоплик кўрсаткичлари юқори бўлган янги арпа навларини яратиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда лалмикор ва суғориладиган ерларда арпанинг ташқи муҳитнинг ноқулай биотик ва абиотик омилларига чидамли, серҳосил, юқори сифатли янги ем-хашак ва пивобоп навларини яратиш учун Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида Ғ.Қ.Қурбонов, Н.В.Покровский, Ю.О.Орипов, В.Н.Питоня, Т.Ўринбоев, Ж.Муҳаммедов, Т.Маматкулов, Т.Ходжакулов, Р.Расулов, П.Жумабоев, А.Маматкулов, А.А.Холдоров, З.Усаровлар томонларидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Муаллиф томонидан шу кунгача арпанинг ташқи муҳитнинг ноқулай биотик ва абиотик омилларига чидамли, серҳосил, юқори сифатли янги навларини яратиш мақсадида олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида лалмикор майдонларда экиш учун Лалмикор, Саврук, Адир, Абу-Ғофур, Абу-Ғофур-20, Баҳорикор, Пивовар, Нурота, Шароф-100, Муштарак навлари, суғориладиган майдонлар учун Айқор, Болғали, Қизилқўрғон, Хонакох, Ихтиёр, Мавлоно, Мезон, Обикор навлари яратилиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган.

Лалмикор минтақа шароитида пивобоп арпанинг гуллаш, дон тўлиш даврида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, дон ҳосилдорлиги ва пивобоплик сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда минтақалар тупроқ-иклим ва экологик шароитларга мослашган арпанинг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кўпайтириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Ҳозирда суғориладиган ерларда кузги муддатда экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган арпа навлари ўртапишар ва кечпишар

навлар гуруҳига мансуб. Ваҳоланки, арпа навлари ноқулай киш шароитларида кучли даражада сийраклашади. Бу майдонларни таъмирлаш ва кечки сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари ҳамда беда ва бошқа дуккакли экинлар билан қоплама экин сифатида экиш учун эртапишар арпа навлари самарали ҳисобланади. Шу мақсадда суғориладиган ҳудудларининг биотик ва абиотик шароитларига чидамли юқори ҳосилли арпа навларини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг (ҳозирда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти) ҚХА-10-118 “Суғориладиган ва лалми ерлар учун арпанинг касалликлар ва зараркунандалар ҳамда юқори абиотик табиий шароитларга чидамли серҳосил, дони сифатли навларни яратиш” (2009-2011 йй.), ҚХА-8-054-2015 рақамли “Республика лалмикор ва суғориладиган ҳудудларнинг биотик ва абиотик шароитларига чидамли юқори ҳосилли арпа навларини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар ва ҚХ-И-ҚХ-2018-15 “Пивобоп арпанинг истиқболли “Абу-Ғофур-20” навининг бирламчи уруғчилигини олиб бориш ва жорий этиш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тур ичида оддий жуфт ва мураккаб дурагайлаш асосида лалмикор ва суғориладиган ерлар учун ноқулай биотик ва абиотик омилларга чидамли серҳосил, юқори сифатли арпанинг янги селекцион манбалари ва навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қурғоқчил минтақаларда кишлоқ хўжалиги тадқиқотлари Халқаро Илмий Маркази (ICARDA) ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия) дан келтирилган арпа нав намуналарини ҳамда селекцион питомникларда мавжуд нав, тизма ва дурагайларини биологик, морфологик ва комплекс қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш;

лалмикор ва суғориладиган минтақаларга мос арпанинг янги навларини яратиш учун қиматли хўжалик белгиларига эга, ташқи муҳитнинг ноқулай биотик ва абиотик омилларига чидамли бўлган нав намуналари ёки тизмаларини бошланғич манба сифатида ажратиб олиш;

қимматли хўжалик белгилар бўйича танлаб олинган, нав ва тизмаларни лалмикор ва суғориладиган майдонлари шароитида синовдан ўтказиш;

арпа нав намуналарини қурғоқчиликка, иссиқликка, касалликларга чидамлилигини ўрганиш ҳамда қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган намуналардан селекция жараёнида фойдаланиш;

лалмикор ва суғориладиган ерларда экиш учун ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларга чидамли арпанинг янги серхосил, юқори сифатли навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти “Арпа селекцияси ва уруғчилиги” лабораториясида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия) ва ИКАРДА халқаро илмий марказидан олинган 5542 та арпа намунасида ва арпанинг маданий *Hordeum vulgare* L экма турига мансуб Унумли арпа, Мавлоно ва НМ-2000-37, НМ-1999-97, НМ-2014-55 тизмалари ва Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг И-550880, И-550852 намуналари ҳамда жаҳон коллекциясидаги ИВСВ-W (халқаро кузги типдаги арпанинг чатиштириш кўчатзори) нав намуналаридан ва уларнинг иштирокида олинган дурагайлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** тур ичида оддий жуфт ва мураккаб дурагайлаш асосида яратилган юқори авлод тизмаларининг биологик хусусиятлари, лалмикор ва суғориладиган худудларнинг биотик (касаллик, зараркунандаларга) абиотик (ҳарорат, намлик, ёруғлик ва бошқалар) омилларга чидамлилиги морфологик ва комплекс қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари умум қабул қилинган услублар асосида, кузатиш ҳисоблаш ва таҳлиллар Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (1981), “Международный классификатор СЭВ рода *HORDEUM* L” (1983), Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (Ўз ПИТИ, 2007), биометрик таҳлиллар қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат нав синаш комиссиясининг услуги (1989), Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси томонидан тавсия этилган (2004) услубий қўлланмаси, арпанинг касалликларга чидамлигини баҳолаш ИКАРДА халқаро илмий марказида (1996) ишлаб чиқилган услубий қўлланмаси бўйича олиб борилган. Қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилик даражаси Н.Кожушко (1984) услуги асосида, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасининг лалмикор ва суғориладиган минтақаларида ташқи муҳитнинг ноқулай биотик ва абиотик омилларига чидамли, серхосил, юқори сифатли навларини яратишда 5542 та тўлдирилган дунё генофондидан ҳамда маҳаллий Унумли арпа нави иштирокида тур ичида оддий жуфт ва мураккаб чатиштириш асосида дурагай комбинациялар олинган;

арпанинг «Абу-Ғофур-20», «Муштарак» ва «Обикор» навларида эртапишарлик, серҳосиллик, ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамли ва касалликларга бардошлилик хусусиятлари мавжудлиги аниқланган;

янги яратилган пивобоп «Абу-Ғофур-20» ва «Муштарак» арпа навлари Республикаимизнинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари лалмикор ерларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мослиги улардан районлашган «Унумли арпа» ва «Лалмикор» навларига нисбатан эрта ва юқори сифатли ҳосил олиниши, бошқа навларга нисбатан 3,5-5,7 ц/га юқори эканлиги, пивобоплик хусусиятлари билан бошқа навлардан устунлиги тасдиқланган;

янги яратилган арпанинг «Обикор» нави Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг суғориладиган майдонлари тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мослиги, районлашган «Мавлоно» навига нисбатан 2-7 кун эртапишарлиги, ҳосилдорлиги 11,2 ц/га, оқсил миқдори 0,4-0,9% юқори эканлиги билан бошқа навлардан устунлиги аниқланган;

арпанинг маданий *Hordeum vulgare* L экма турига мансуб эртапишар, серҳосил, юқори сифатли, касалликларга бардошли «Абу-Ғофур-20», «Муштарак» ва «Обикор» навлари яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан селекция ютуғига патентлар олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

арпанинг эртапишар, арпа касалликлари ҳамда юқори абиотик табиий шароитларга чидамли, серҳосил, юқори сифатли «Абу-Ғофур-20» нави (№ NAP 00252), «Муштарак» нави (№ NAP 00251), «Обикор» (№ NAP 00327) навларига патент олинган;

«Абу-Ғофур-20» арпа нави 2019 йилда Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Навоий ва Сурхондарё вилоятларининг лалмикор ерларида экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри рўйхатига киритилиб, жами 897,0 гектар майдонга жорий этилган, мазкур навдан ўртача 17,5-22,0 ц/га ҳосил олинган;

«Муштарак» арпа нави янги нав сифатида Жиззах вилоятида жами 14,0 гектар лалми майдонга экилган ва гектаридан ўртача 19,7 ц/га ҳосил олинган;

«Обикор» арпа нави 2021 йилдан бошлаб Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида, 2022 йилдан бошлаб Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўйича суғориладиган ерларда кузги муддатларда экиш учун қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри рўйхатига киритилган. Жиззах вилоятида жами 52,0 гектар майдонга экилиб гектаридан ўртача 57-65 ц/га ҳосил олинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий

натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги ва арпанинг «Абу-Ғофур-20», «Муштарақ», «Обикор» навларига ихтиро патентларини олинганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Hordeum vulgare L.* турига мансуб эртапишар, серҳосил, юқори сифатли, касалликларга бардошли навлар яратишда тур ичида оддий ва мураккаб дурагайлаш асосида частиштириш услублари юқори самарали эканлиги, бошланғич манбаларда бир қатор тизмалар ва навларга эртапишарлик, серҳосиллик, юқори абиотик табиий шароитларга чидамлилик, касалликларга бардошлилик, дони сифатли ва бошқа белгилари бўйича баҳо берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, арпа селекцияси учун ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамли, серҳосил, юқори сифатли нав ва намуналари олинганлиги ҳамда республиканинг лалмикор ва суғориладиган турли ҳил тупроқ иқлим шароитларида етиштириш учун юқори сифатли, серҳосил арпанинг янги “Абу-Ғофур-20”, “Муштарақ”, “Обикор” навлари яратилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсия этилганлиги ва ушбу навларнинг бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Лалмикор ва суғориладиган ерларда экиш учун арпанинг серҳосил, юқори сифатли навларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

арпанинг пивобоп, эртапишар (187-189 кун), ҳосилдорлиги 13,7-26,7 ц/га, 1000 дона дон вазни 59,7-62,7 г, қурғоқчиликка чидамлилиги 95,3%, қишга чидамлилиги 91,8%, экстракт моддаси 76,3%, унувчанлик қуввати 99,2%, касалликларга бардошли бўлган «Абу-Ғофур-20» нави яратилган. Давлат реестрига киритилган «Абу-Ғофур-20» арпа нави Жиззах вилоятида 897 гектар майдонга жорий этилган. “Абу-Ғофур” навига ИМА томонидан патент берилган (NAP 00252) (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24-февралдаги №05/33-04/725-сон маълумотномаси*). Натижада, эртапишар, серҳосил, юқори сифатли, лалмикор ерларда экишга мос, арпа касалликларига бардошли «Абу-Ғофур-20» нави экилган майдонларда ўртача 17,5-22,0 ц/га ҳосил олиниб, 599,2 минг сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган;



лалмикор майдонлар учун арпанинг пивобоп, эртапишар (184-186 кун), дон ҳосилдорлиги 19,9-30,2 ц/га, 1000 дона дон вазни 52,0-56,6 г, қурғоқчиликка чидамлилиги 93,3%, иссиқликка чидамлилиги 85,3%, экстракт моддаси 77,6%, унувчанлик қуввати 99,8%, касалликларга бардошли бўлган «Муштарак» нави яратилган. Янги «Муштарак» арпа нави Жиззах вилоятида 14 гектар майдонга жорий этилган. “Муштарак” навига ИМА томонидан патент берилган (NAP 00251) (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24-февралдаги №05/33-04/725-сон маълумотномаси*). Натижада, эртапишар, серҳосил, лалмикор ерларда экишга мос, арпа касалликларига бардошли «Муштарак» нави экилган 14,0 гектар майдонда ўртача 19,7 ц/га ҳосил олиниб, 405,6 минг сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган;

суғориладиган майдонлар учун арпанинг ем-хашак учун мўлжалланган, эртапишар (156-158 кун), дон ҳосилдорлиги 32,0-47,9 ц/га, оқсил миқдори 14,6-15,1%, иссиқликка чидамлилиги 96,0%, қишлашга чидамлилиги 84,5-90,0%, ётиб қолишга чидамлилиги 9,0 балл, гелментоспориоз касаликларига бардошли «Обикор» нави яратилган. «Обикор» арпа нави Жиззах вилоятининг суғориладиган майдонларида 52 гектар майдонга жорий этилган. “Обикор” навига ИМА томонидан патент берилган (NAP 00327) (*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 24-февралдаги №05/33-04/725-сон маълумотномаси*). Натижада, эртапишар, ем-хашак йўналишида серҳосил, юқори сифатли, гелментоспориоз касаллигига бардошли «Обикор» нави экилган 52,0 гектар майдонда ўртача 57,0-65,0 ц/га ҳосил олиниб, 1,7 млн. сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича 13 та, жумладан 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 3 та патент, 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий натижаларда 13 та мақола ва 13 та республика ҳамда халқаро конференция тўпламларида нашр қилинган. Шунингдек, 1 та илмий тавсия чоп этилган.

## ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотлар Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти “Арпа селекцияси ва уруғчилиги” лабораториясида олиб борилган бўлиб, тур ичида оддий жуфт ва мураккаб дурагайлаш усуллари орқали генетик жиҳатдан бойитилган лалмикор ва суғориладиган ҳудудларнинг биотик ва абиотик омилларига чидамли янги бошланғич манбалари (дурагайлар, тизмалар) ва навларни яратишга қаратилган.

**Тадқиқот олиб борилган йилларда об-ҳаво шароитлари.** Арпанинг «Абу-Ғофур-20», «Муштарак» ва «Обикор» навларининг яратилиши 1993-1994 йилларда ота-она ўсимликлар чатиштирилган ва янги нав сифатида давлат реестрига киритилган 2020 йилгача ҳар йили бир биридан фарқ қиладиган об-ҳаво шароитларида синовдан ўтказилган. Жумладан, Ғаллаорол агрометеостанцияси маълумотларига кўра кўп йиллик ёғин миқдори 360,0 мм ни ташкил қилган бўлса. 1996-1997, 1997-1998, 2006-2007, 2019-2020 қишлоқ хўжалик йилларида куз (октябр, ноябр) ойларида ойлик ёғингарчилик миқдори ўртача кўп йилликка нисбатан 13,5 мм дан 35 мм кам бўлганлиги натижасида тупроқ қурғоқчилиги кузатилди (1-илова). Ушбу йилларда ўтказилган тажрибалар натижасида табиий шароитда қурғоқчиликка, дала унувчанлиги, замбуруғли касалликларга чидамли нав ва тизмаларни танлаб олиш имконияти юзага келди. 1993-1994, 1994-1995, 2000-2001, 2012-2013, 2014-2015, 2016-2017 қишлоқ хўжалик йилларида баҳор ва ёз ойларида ўртача иссиқликка чидамли нав ва тизмаларни танлаб олиш имконияти юзага келган (2-илова). 1996-1997, 1997-1998, 2001-2002, 2002-2003, 2003-2004, 2004-2005, 2008-2009, 2009-2010, 2011-2012, 2015-2016, 2016-2017, 2018-2019 қишлоқ хўжалик йилларида йиллик ёғинмиқдори ўртача кўп йилликка нисбатан (40,6 мм) 3,7 мм дан 27,3 мм гача кам бўлиши, ҳамда ҳаво ҳароратининг кўп йилликка нисбатан (9,3°C) 0,5 °C дан 1,1 °C гача юқори бўлиши ҳамда нисбий намликнинг ўртача кўп йилликка нисбатан (61) паст (151-58%) бўлиши табиий шароитда қурғоқчиликка, иссиқликка чидамли нав ва тизмаларни танлаб олишга имкон яратди (3-илова).

Изланишлар олиб борилган 27 йил ичида 8 йили (1995-1996, 1998-1999, 1999-2000, 2005-2006, 2007-2008, 2010-2011, 2013-2014, 2017-2018 қишлоқ хўжалик йилларида йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача кўп йилликка нисбатан 11,3 мм дан 183 мм кам бўлиши ўсимликнинг бутун ўсув даври давомида тупроқ-ҳаво қурғоқчилиги ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса нав ва тизмаларнинг униб чиқишидан то пишиш даври давомида ноқулай абиотик (қурғоқчилик, иссиқлик) омилларга чидамлилигини баҳолаш ва танлаб олишга имконият яратди.

2001-2002, 2004-2005, 2002-2003, 2003-2004, 2008-2009, 2009-2010, 2011-2012, 2015-2016, 2018-2019 қишлоқ хўжалик йилларида йиллик ёғин миқдори

ўртача кўп йилликка нисбатан 63-166 мм кўп бўлиши ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги кўп йилликка нисбатан 16-33% кўп бўлиши замбуруғ касалликларининг ривожланиши учун оптимал бўлиши натижасида нав намуналар, тизмалар ва дурагай авлодлари кучли даражада зарарланганлиги кузатилди.

Натижада ушбу қишлоқ хўжалик йиллари арпа ўсимлигида кам холларда учрайдиган йўл-йўл доғланиш, тўр-тўр доғланиш, пакана занг, каби касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Натижада ушбу қишлоқ хўжалик йиллари арпа касалликларига ва ётиб қолишга нисбатан чидамли манбаларини танлаб олиш учун қулай тадқиқотлар олиб бориш йиллари бўлган.

### **Арпанинг жаҳон генофондидан фойдаланиш асосида селекциянинг турли йўналишлари учун бошланғич манбаларни танлаш (2009-2020 йиллар) давомида.**

ICARDA халқаро илмий марказидан олинган 29 та кўчатзоридан 5542 та нав ва намуналари олинган жами фойдаланилган (4-илова).

Жами ўрганилган арпанинг жаҳон коллекцияси орасида дурагайлаш кўчатзоридан 965 та, дурагай популяцияси кўчатзоридан 642 та, коллекция кўчатзоридан 1038 та, назорат майдонида 820 та, конкурс нав синовида 1005 та, глобал арпанинг кузатув кўчатзоридан 472 та, глобал арпанинг ҳосилдорлик кўчатзоридан 210 та, глобал арпанинг назорат майдонида 300 та нав ва намуналари ўсув даври давомийлиги, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлиги, ноқулай иқлим шароитларига чидамлилиги ва дон сифат кўрсаткичлари бўйича тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган.

2011-2022 йилларда IBCV-W (суғориладиган майдонларда халқаро кузги типдаги арпанинг чатиштириш кўчатзори) да киритилган 121 та намуналарнинг морфоҳўжалик белгилари таҳлиллари ҳамда биотик ва абиотик омилларга бардошлилик белгилари бўйича 7 та, жумладан IBCV-W-5, 8, 9, 10, 21, 22, 25 рақамли намуналар танлаб олинди (1-жадвал).

IBCV-W кўчатзоридан ўрганилган намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари ва касалликлар билан зарарланиши бўйича олинган маълумотларни (жадвал кўринишга, IBCV-W-5 (KC/Mulleks//Heyolia//5/5/3/GK Omega) дурагай авлодида дон ҳосилдорлиги Мавлоно навига нисбатан 8,7 ц/га, 1000 дона дон вазни 2,1 гр юқори, гельминтоспориоз касаллиги билан зарарланиши 15,0%, ринхоспориоз билан 5,5% кам даражада касалланиши, бошоқлаш муддати 7 кун эртароқлиги кузатилди.

Арпанинг жаҳон генофондидан фойдаланиш асосида селекциясининг турли йўналишлари учун бошланғич манбаларни танлаш.

**ИВСВ-W кўчатзоридаги намуналарнинг бошоқлаш муддати, қимматли хўжалик белгилари ва касалликлар билан зарарланиши.**

Нав ва намуналар номи	Бошоқлаш муддати	Арпа касалликлар билан зарарланиши		1000 дон дон вазни (г)	Ўтиб қолишга чидамлилиги (балл)	Дон ҳосилдорлиги (ц/га)		
		гельминтаспороз	ринхоспориоз			(ц/га)	Андозага навига нисбатан	
Мавлоно (андоза)	18,5	20	10	36,7	9	46,7	+(-)	%
ИВСВ-W-5	11,05	10	5	38,8	9	55,4	+8,7	118,6
ИВСВ-W-8	12,05	10	5	37,4	9	49,5	+2,8	106,0
ИВСВ-W-9	10,05	10	5	38,1	9	53,3	+6,6	114,1
ИВСВ-W-10	20,5	10	5	36,9	9	49,9	+3,2	106,8
ИВСВ-W-21	12,05	10	5	37,5	9	51,2	+4,5	109,6
ИВСВ-W-22	16,05	10	5	40,6	9	49,8	+3,1	106,6
ИВСВ-W-25	10,05	10	5	37,8	9	53,2	+6,5	113,9

Серҳосил навлар яратиш селекциясида арпанинг энг яхши маҳаллий шароитида яратилган ва хорижий мамлакат навларидан кенг фойдаланилади. Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия) нинг “Орал” тажриба станциясида олинган 107 та нав ва намуналар тадқиқотларга жалб этилган.

Одатда Сурия мамлакатаида яратилган арпа навлари бизнинг маҳаллий шароитларимизга экологик жихатдан етарлича мослиги, серҳосиллиги пивобоплик хусусиятлари яхшилиги, касалликларга бардошлилиги билан бошланғич материаллар сифатида бой ва қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотларимиз учун андоза нав сифатида республикамзда барча лалми ерлар учун 1956 йилда районлаштирилган “Унумли арпа” навидан фойдаланилди.

Тадқиқотларга жалб этилган 107 та коллекция намуналарининг келиб чиқиши асосан Сурия мамлакатига мансуб бўлиб (93,4%) 1993-1994 йиллар давомида республикамизнинг лалмикор шароитида асосий қимматли хўжалик белгилари бўйича чуқр ўрганилган.

Арпанинг қимматли хўжалик белги хусусиятлари ўрганилган нав ва намуналардан 10 та, жумладан И-550880, И-550869, И-550856, И-550855, И-550852, И-550853, И-550967, И-520068, И-550895, И-550893 коллекция намуналари танлаб олинди.

Янги навларни яратишда географик келиб чиқиши бўйича узоқ, биологик ва хўжалик белгилари билан бир-биридан фарқ қиладиган, серҳосил, касалликларга бардошли, дон сифати юқори бўлган нав тизмалар орасида жами 58 та, шу жумладан 38 та оддий, 6 та реципрок, 14 та мураккаб усулларида чапиштириш ўтказилди, дурагай уруғларини ҳосил самарадорлиги 40-93% ни ташкил этди (2-жадвал).

**F<sub>0</sub> уруғларини олишда комбинацияларда дурагай уруғларининг ҳосил бўлиши самарадорлиги**

Комбинациялар	Чатиштирилган бошоқчалар сони, дона	Ҳосил бўлган донлар	
		Сони	%
♀ И-550880 x ♂ Унумли арпа	102	78	76,5
♀ И-550852 x ♂ Унумли арпа	44	41	93,2
♀ Паллидум-61 x ♂ Скороход	46	33	91,7
♀ Скороход x ♂ Паллидум-61	44	38	90,5
♀ №61 (Нутанс 397 x Зафар) x ♂ №761 (Циклон x Афросиёб)	60	42	70,0
♀ №761 (Циклон x Афросиёб) x ♂ Унумли арпа x №61 (Нутанс 397 x Зафар)	32	26	81,2

**“Абу-Ғофур-20”, “Муштарак” ва “Обикор” навларининг яратилиши.**

“Абу-Ғофур-20” арпа навининг яратилиши “Абу-Ғофур-20” навини яратишда она ўсимлик сифатида кўрғоқчилик ва иссиқликка чидамли бўлган И-550880 (Сурия) намунасидан, ота ўсимлик сифатида маҳаллий шароитга мослашган Унумли арпа навидан фойдаланилган (3-жадвал).

3-жадвал.

**Дурагайлашда фойдаланилган (ота-она) навларнинг қисқача тавсифи**

	♀ И-550880	♂ Унумли арпа
	Эртапишар	Ўрта пишар
	Ўрта бўйли	Ўрта бўйли
	Ётиб қолишга чидамли	Ётиб қолишга чидамсиз
	Гельминтоспориоз касаллилига чидамли	Гельминтоспориоз касаллилига чидамсиз
	Ҳосилдорлиги юқори	Ҳосилдорлиги паст
	Иссиқликка юқори чидамли	Иссиқликка ўртача чидамли
	Кўрғоқчиликка юқори чидамли	Кўрғоқчиликка ўртача чидамли
	Экстракт моддаси ўрта	Экстракт моддаси, ўртадан паст

### “Муштарак” арпа навининг яратилиши.

“Муштарак” навини яратишда она ўсимлик сифатида кўрғоқчилик ва иссиқликка чидамли бўлган И-550852 (Сурия) папуляциясидан, ота ўсимлик сифатида маҳаллий шароитга мослашган Унумли арпа навидан фойдаланилган (4-жадвал).

Арпанинг янги “Муштарак” навини яратиш жараёни бир неча йиллар давомида ҳамда мавжуд селекция нав ва намуналарини синаш қоидаларга мувофиқ амалга оширилди.

4-жадвал.


### Дурагайлашда фойдаланилган (ота-она) навларнинг қисқача тавсифи

	♀ И-550852	♂ Унумли арпа
	Эртапишар	Ўрта пишар
	Ётиб қолишга чидамли	Ётиб қолишга чидамсиз
	Гельминтоспориоз касаллига чидамли	Гельминтоспориоз касаллига чидамсиз
	Дон тўкилишига чидамли	Дон тўкилишига ўрта чидамли
	Бошоқ эгилишига чидамли	Бошоқ эгилишига ўрта чидамли
	Иссиқликка чидамли	Иссиқликка ўртача чидамли
	Кўрғоқчиликка чидамли	Кўрғоқчиликка ўртача чидамли
	Экстрак моддаси ўрта	Экстрак моддаси паст

## Арпанинг «Абу-Ғофур-20», «Муштарак» ва «Обикор» навларининг яратилиш муддатлари.

1-расм

### Пивобоп арпанинг «Абу-Ғофур-20» навининг келиб чиқиши



Арпанинг «Абу-Ғофур-20» нави бўйича F<sub>1</sub> (И-550880 x Унумли арпа) навларини тур ичида оддий жуфт чатиштириш ишлари 1994 йилда (1-расм) амалга оширилиб, 1995-1997 йилларда дурагайлар кўчатзорида, 1998-1999 йилларда селекция майдонида, 2000 йилда назорат тажриба майдонида НМ-2000-37 тизмаси, 2001-2011 йиллари Дастлабки ва Рақобат нав синовларида, 2012-2015 йилларда Давлат нав синовида ўрганилган. 2016 йилдан бошлаб бирламчи уруғчилик ишлари давом эттирилмоқда.

## Пивобоп арпанинг «Муштарак» навининг келиб чиқиши



Арпанинг «Муштарак» нави бўйича F<sub>1</sub> (И-550852 × Унумли арпа) навларини тур ичида оддий жуфт чатиштириш ишлари 1993 йилда (2-расм) амалга оширилиб, 1994-1996 йилларда дурагайлар кўчатзорида ўрганилиб, 1997-1998 йилларда селекция майдонида, 1999 йилда назорат тажриба майдонида НМ-1999-97 тизмаси, 2000 йил Дастлабки нав синаш, 2015-2020 йилларда Рақобат ва Давлат нав синовида ўрганилган. 2017 йилдан бошлаб бирламчи уруғчилик ишлари давом эттирилмоқда.



### Ем-хашак арпанинг «Обикор» навининг келиб чиқиши



Арпанинг «Обикор» нави бўйича халқаро коллекция материалларини баҳолаш ишлари 2011-2012 йилларда (3-расм) амалга оширилиб, 2013-2014 йилларда назорат тажриба майдонида НМ-2014-55 тизмаси, 2015-2017 йилларда Рақобат нав синовида, 2018-2020 йилларда Давлат нав синовида ўрганилган. 2020 йилдан бошлаб бирламчи уруғчилик ишлари олиб борилган.

**Конкурс нав синовидаги навларнинг қимматли хўжалик белгилари ва касалликлар билан зарарланиши.**

Тажриба олиб борилган йиллари арпанинг “Абу-Ғофур-20” навида дон ҳосилдорлиги ўртача гектарига 19,9 центнерни, андоза “Унумли арпа” навида бу кўрсаткич 16,4 центнерни ташкил этиб, андозага нисбатан 3,5 центнер юқори ҳосилдорликка эга бўлди. Бундан ташқари қимматли хўжалик белги хусусиятлари бўйича ҳам андоза навдан устунлиги аниқланди.

Арпанинг “Абу-Ғофур-20” навида 1000 дона дон вазни ўртача 61,3 ,бир бошоқдаги дон сони 20,0 дона, дон таркибидаги экстракт моддаси 76,3 % бўлиб, бу кўрсаткичлар андоза “Унумли арпа” навида тегишлича 56,1, 20,0 дона, 75,7% ни ташкил этди. “Абу-Ғофур-20” нави гельминтоспориоз, ринхоспориоз касалликларига ҳамда ётиб қолишга юқори даражада чидамлилиги билан ажралди (5-жадвал).

5-жадвал.

**“Абу-Ғофур-20” навининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари**

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Абу-Ғофур-20			ўртача	Унумли арпа			ўртача
			2009	2010	2011		2009	2010	2011	
1	Дон ҳосилдорлиги	ц/га	26,7	19,2	13,7	19,9	20,7	17,5	10,9	16,4
2	Маҳсулдор тупланиш	Дона	3,6	2,5	1,5	2,5	3,4	2,3	1,2	2,3
3	Ўсимлик бўйи	См	84,0	77,0	51,0	70,7	87,6	69,0	45,6	67,4
4	Ётиб қолишга чидамлилиги	Балл	9	9	9	9	5	5	5	5
5	Гельминтоспориоз касаллигидан зарарланиши	Фоиз	10	20	10		80	70	30	
6	Ринхоспориоз касаллигидан зарарланиши	Фоиз	5	10	5		10	10	20	
7	Курғоқчиликка чидамлилиги	Фоиз	96	96	94	95.33	96	84	96	92
8	Бир бошоқдаги дон сони	Дона	22	23	16	20	22	21	16	20
9	1000 дона дон вазни	г	62,7	61,6	59,7	61,3	55,6	54,0	58,8	56,1
10	Экстракт моддаси	Фоиз	77,2	75,5	76,3	76,3	76,7	74,8	75,7	75,7
11	Оқсил	Фоиз	10,1	10,3	10,0	10,1	10,2	10,3	10,1	10,2
12	Дон тўкилишига чидамлилиги	Балл	7	7	7	7	5	5	5	5
13	Қишлашга чидамлилиги	фоиз	90,8	91,8	92,9	91,8	87,9	88,9	90,2	88,9

Тажриба олиб борилган йилларда арпанинг “Муштарак” навида дон ҳосилдорлиги ўртача гектарига 24,5 центнерни, андоза “Унумли” арпа навидан 5,7 центнер юқори ҳосилдорликка эга бўлди. Бундан ташқари қимматли-хўжалик белги хусусиятлари бўйича ҳам андоза навадан устуңлиги аниқланди.

Арпанинг “Муштарак” навида маҳсулдор тупланиш 3,2 дона, ётиб қолишга чидамлилиқ 7 балл, дон тўқилишига чидамлилиқ 9 балл, бир бошоқдаги дон сони 22,5 дона, экстракт моддаси 77,6 %, бўлиб, бу кўрсаткичлар андоза “Унумли арпа” навида тегишлича 2,9 дона, 1-7 балл, 2,2 дона, 76,8% ни ташкил этди. “Муштарак” нави гельминтоспориоз ва ринхоспориоз касалликларига андоза (Унумли арпа) навага нисбатан чидамлилиги билан ажралди (6-жадвал).

6-жадвал.

**“Муштарак” навининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари.**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	“Муштарак”			Ўртача	Унумли арпа			Ўртача
		2015	2016	2017		2015	2016	2017	
Дон ҳосилдорлиги	ц/га	23,5	19,9	30,2	24,5	18,4	14,9	23,2	18,8
Маҳсулдор тупланиши	дона	3,2	3,1	3,3	3,2	3,0	2,8	3,1	2,9
Ўсимлик бўйи	см	56,9	74,8	67,0	66,2	47,2	93,2	74,0	71,4
Ётиб қолишга чидамлилиги	балл	9	7	7	7,6	7	1	5	4,3
Дон тўқилишига чидамлилиги	Балл	9	9	9	9	9	7	7	7,6
Бошоқ эгилишига чидамлилиги	Балл	9	9	9	9	9	7	7	7,6
Гельминтоспориоз касаллигига чидамлилиқ	%	15	30	10		20	40	20	
Ринхоспориоз касаллигига чидамлилиқ	%	20	10	20		60	70	70	
Иссиқликка чидамлилиқ	%	84	88	84		80	77	65	
Қурғоқчиликка чидамлилиқ	%	98	86	96	93,3	96	84	96	92,0
Қишга чидамлилиқ	%	84,5	77,5	75,4	79,1	64,5	74,5	67,5	68,8
Бир бошоқдаги дон сони	Дона	24,4	20	23	22,5	20,4	22,0	23,6	22,0
1000 дона дон вазни	2	52,0	52,4	56,6	53,7	51,4	47,8	51,8	50,3
Дон экстракт моддаси	%	78,4	76,7	77,8	77,6	77,9	75,8	76,9	76,8
Оқсил миқдори	%	10,1	10,2	10,1	10,1	10,4	10,5	10,3	10,4

Таҷрибалар олиб борилган йилларда арпанинг “Обикор” навида дон ҳосилдорлиги ўртача гектарига 38,9 центнерни ташкил этиб, андозага нисбатан 11,2 центнер юқори ҳосилдорликка эга бўлди. Бундан ташқари қимматли хўжалик белги хусусиятлари бўйича ҳам андоза навадан устуңлиги аниқланди.

Арпанинг “Обикор” навида 1000 дона дон вази ўртача 37,1 г, бир бошоқдаги дон сони 69 дона, дон таркибидаги оқсил миқдори 14,8 % бўлиб, бу кўрсаткич андоза “Мавлоно” навида тегишлича 34,9 г, 61 дона, 14,2 %ни ташкил этди. “Обикор” нави гельминтоспориоз ва ринхоспориоз касалликларига ҳамда ётиб қолишга чидамлилиги билан ажралди (7-жадвал).

7-жадвал.

**“Обикор” навининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	“Обикор”			Ўртача	Мавлоно			Ўртача
		2015	2016	2017		2015	2016	2017	
Дон ҳосилдорлиги	ц/га	32,0	36,8	47,9	38,9	21,2	25,9	36,0	27,7
Маҳсулдор тупланиши	дона	3,3	3,4	3,5	3,4	3,1	3,2	3,1	3,1
Ўсимлик бўйи	см	78,2	66,0	54,2	66,1	53,0	54,8	41,2	49,7
Ётиб қолишга чидамлилиги	балл	9	9	9	9	9	9	9	9
Гельминтоспориоз касалигидан зарарланиши	фоиз	5	10	10		5	40	15	
Ринхоспориоз касалигидан зарарланиши	фоиз	5	10	5		5	20	5	
Иссиқликка чидамлилиги	фоиз	97	93	98	96	79	61	61	67,0
Бир бошоқдаги дон сони	дона	77	69	61	69	75	58	50	61
1000 тадан вази	2	39,7	38,8	32,8	37,1	35,2	40,1	29,6	34,9
Оқсил	фоиз	14,6	14,7	15,1	14,8	14,2	14,1	14,2	14,2
Дон тўқилишига чидамлилиги	балл	7	7	7	7	5	5	5	5
Қишлашга чидамлилиги	фоиз	90,1	84,5	84,7	86,4	91,4	85,7	86,8	87,9
Бошоқ эгилишига чидамлилиги	балл	7	7	7	7	5	5	5	5
Усув даври	кун	120	188	185	164	119	195	186	167

**Назорат майдони синовида ўрганилган нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белги ва ҳосилдорлиги.**

Эрта бошоқ тортиш, ётиб қолишга чидамли, Гельминтоспориозга чидамли бўлган нав ва тизмаларда андоза “Унумли арпа” навига нисбатан юқори ҳосилга эга бўлган НМ-2000-7, НМ-2000-28, НМ-2000-37, НМ-2000-31, НМ-2000-36, НМ-2000-19, НМ-2000-29, НМ-2000-31 тизмаларда кўриш мумкин. Бу тизмалар эрта

пишарлиги, ётиб қолишга чидамлилиги юқори бўлиб, Гельминтоспориоз кассалиги билан 10% дан 30% ни, ҳосилдорлиги 14,0-15,6 ц/га ни, дон ҳосилдорлиги андоза навда 12,0 ц/га, Гельминтоспориоз кассалиги билан зарарланиши 40% бўлганлиги кузатилди (8-жадвал).

8-жадвал.

**Лалмикорликда арпанинг назорат кўчатзоридан танлаб олинган нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлиги (Ғаллаорол 2009)**

Т/р	Намуналар номи	Бошоқлаш муддати, кун	Ўсимлик бўйи (см)	1000 дона дон вази, г	Гельминтоспориоз кассалиги билан зарарланиш, %	Дон ҳосилдорлиги, ц/га		
						ц/га	Андоза навга нисбатан	
							±	%
1	Унумли арпа (андоза)	9.05	50	58,8	40	12,0	±	100,0
2	НМ-2000-7	9.05	50	40,8	30	14,0	+2.0	116,7
3	НМ-2000-15	9.05	50	40,8	30	13,6	+1.6	113,3
4	НМ-2000-28	9.05	60	43,6	10	14,8	+2.8	123,3
<b>5</b>	<b>НМ-2000-37 Абу-Ғофур-20</b>	<b>5.05</b>	<b>50</b>	<b>46,8</b>	<b>30</b>	<b>15,6</b>	<b>+3.6</b>	<b>130,0</b>
6	НМ-2000-42	5.05	60	47,6	20	13,6	+1.6	113,3
7	НМ-2000-31	9.05	60	43,6	10	14,8	+2.8	123,3
8	НМ-2000-36	5.05	50	46,8	20	15,2	+3.2	126,7
9	НМ-2000-40	5.05	60	47,6	20	13,6	+1.6	113,3
10	НМ-2000-19	9.05	60	46,0	10	14,0	+2.0	116,7
11	НМ-2000-29	5.05	60	47,2	10	14,8	+2.8	123,3
12	Лалмикор	5.04	65	58,8	30	13,6	+1.6	113,3
13	НМ-2000-30	9.05	60	46,0	10	13,6	+1.6	113,3
14	НМ-2000-31	9.05	60	43,6	10	14,8	+2.8	123,3

Эрта бошоқ тортиши, ётиб қолишга чидамли, Гельминтоспориоз кассалигига чидамли бўлган нав ва тизмаларда андоза “Унумли арпа” навга нисбатан юқори ҳосилга эга бўлган НМ-1999-32, НМ-1999-48, НМ-1999-64, НМ-1999-78, НМ-1999-82, НМ-1999-88, НМ-1999-97, НМ-1999-50, НМ-1999-8 тизмаларда кўриб мумкин. Мазкур тизмаларда ётиб қолишга чидамлилиги юқори (7 балл) бўлиб, бошоқ тортиши 3.05-майда 8-0.5 май кунлари қайд этилди, Гельминтоспориоз кассалиги билан

зарарланиши 10% дан 30% ни, ҳосилдорлиги 15,5-30,0 ц/га ни, дон ҳосилдорлиги андоза навда 19,3 ц/га, Гельминтоспориоз кассалиги билан зарарланиши 40% бўлганлиги кўзатилди (9-жадвал).

9-жадвал.

**Лалмикорликда арпанинг назорат кўчатзоридан танлаб олинган нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлиги (Ғаллаорол, 1999)**

Т/р	Намуналар номи	Бошоқлаш муддати, кун	Ётиб қолишга чидамлиги, балл	1000 дондан дон вазни, г	Гельминтоспориоз касаллиги билан зарарланиш, %	Дон ҳосилдорлиги, ц/га		
						ц/га	Андоза навга нисбатан	
1	Унумли арпа (андоза)	7.05	5	66,4	40	19,3	±	%
2	НМ-1999-32	11.05	7	46,6	20	25,2	+5,8	130,2
3	НМ-1999-43	7.05	7	44,8	10	22,3	+3,0	115,5
4	НМ-1999-48	5.05	7	42,6	10	23,2	+3,8	119,8
5	НМ-1999-64	3.05	7	46,1	10	23,7	+4,4	122,9
6	НМ-1999-78	4.05	7	46,4	10	26,8	+7,5	138,8
7	НМ-1999-80	5.05	7	54,9	10	21,0	+1,7	108,6
8	НМ-1999-82	5.05	7	58,3	30	26,2	+6,8	135,4
9	НМ-1999-88	3.05	7	43,1	10	28,7	+9,3	148,3
<b>10</b>	<b>НМ-1999-97 Муштарак</b>	<b>6.05</b>	<b>7</b>	<b>48,0</b>	<b>15</b>	<b>30,0</b>	<b>+10,7</b>	<b>155,2</b>
11	НМ-1999-50	8.05	7	52,6	10	26,0	+6,7	134,7
12	НМ-1999-8	8.05	7	57,3	15	23,8	+4,1	123,3

Эрта бошоқ тортиши, ётиб қолишга чидамли, Гельминтоспориозга чидамли, 1000 дон дон вазни йирик бўлган нав ва тизмаларда андоза “Мавлоно” навга нисбатан юқори ҳосилга эга бўлган НМ-2014-55, НМ-2014-61, НМ-2014-92, НМ-2014-132 тизмаларда кўриш мумкин. Бу тизмалар эрта пишарлиги, ётиб қолишга чидамлилиги юқори (9 балл) бўлиб, 1000 дон дон вазни 31,5 гдан 45,6 г гачани ташкил этди. Гельминтоспориоз кассалиги билан зарарланиши 10% дан 20% ни, ҳосилдорлиги 45,4-57,0 ц/га ни, дон ҳосилдорлиги андоза навда 44,2 ц/га, 1000 дон дон вазни 34,72, Гельминтоспориоз кассалиги билан зарарланиши 10% бўлганлиги кўзатилди (10-жадвал).

**Сўғориладиган майдонларда арпанинг назорат кўчатзоридан танлаб олинган  
нав ва тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлиги  
(Ғаллаорол 2013-2014)**

Т/р	Намуналар номи	Бошоқлаш муддати, кун	Ўсимлик бўйи,	1000 дондан вазни,г	Гельминтоспориоз касаллиги билан зарарланиш,%	Ётиб қолишга чидамчилиги,балл	Дон ҳосилдорлиги,ц/га		
							ц/га	Андоза навга нисбатан	
1	Мавлоно(андоза)	28.05	55	34,7	10	9	44,2	±	%
2	НМ-2014-8	10.05	50	31,4	20	9	46,8	+2,6	105,9
3	НМ-2014-29	11.05	55	36,23	10	7	49,4	+5,2	111,8
4	НМ-2014-33	14.05	50	34,35	15	9	59,2	+15,0	133,9
5	НМ-2014-34	10.05	50	32,4	10	9	48,0	+3,8	108,6
6	НМ-2014-36	20.05	60	50,2	20	7	46,6	+2,4	105,4
7	НМ-2014-44	10.05	55	38,34	15	7	47,8	+3,6	108,1
<b>8</b>	<b>НМ-2014-55 (Обикор)</b>	<b>22.05</b>	<b>60</b>	<b>36,5</b>	<b>5</b>	<b>9</b>	<b>57,0</b>	<b>+12,8</b>	<b>128,9</b>
9	НМ-2014-58	11.05	75	41,35	15	7	48,0	+3,8	108,6
10	НМ-2014-60	23.05	70	46,7	10	7	50,0	+5,8	113,1
11	НМ-2014-61	9.05	55	45,6	10	9	47,8	+3,6	108,1
12	НМ-2014-92	10.05	55	31,5	10	9	45,4	+1,2	102,7
13	НМ-2014-97	24.05	65	33,5	15	7	47,4	+3,2	107,2
14	НМ-2014-111	21.05	75	40,2	15	7	52,4	+8,2	118,5
15	НМ-2014-130	23.05	60	32,5	5	7	52,0	+7,8	117,6
16	НМ-2014-132	22.05	50	42,4	5	9	45,6	+1,4	103,2

**Кокурс нав синовида ўрганилган нав ва тизмаларнинг пивобоплик хусусиятлари.**

Пивобоплик хусусияти бўйича андоза “Унумли арпа” навига нисбатан ҳар бир тонна солод ҳисобига 42 литр қўшимча пиво маҳсулоти олиш имконияти мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб НМ-2000-37 тизмали нав сифатида “Абу-Ғофур-20” номи билан 2011 йилда қишлоқ хўжалик экинларини синаш Давлат марказига топширилган (11-жадвал).

**“UzCarlsberg L.L.C.” корхонасининг сифат лабораториясида пивобоп арпа нав ва тизмаларида пивобоплик хусусиятларининг физик-кимёвий таҳлил натижалари (2009-2011)**

Т/р	Навлар	Бегона ўтлар, %	Дон аралашмаси, %	Элакдан чиқиши 2.2- 2.0 мл	Унувчанлик қуввати, %	Унувчанлик қобилияти, %	Экстракт моддаси, %	Андоза + -	Қушимча пиво маҳсулотлари чиқиши, л/т
1	Унумли арпа (андоза)	1,5	0,9	87,7	99,8	99,8	75,7	75,7	
2	Саврук	0,4	0,7	89,5	99,8	99,9	75,8	+0,1	7
3	Адир	0,3	1,1	91,5	98,2	98,4	74,0	-1,7	
4	<b>Абу-Ғофур-20</b>	0,5	0,9	99,0	99,8	100,0	76,3	+0,6	42
5	Посада	0,7	1,2	86,9	99,2	99,4	74,6	-1,1	
6	Жозефина	0,1	0,2	86,6	97,2	97,2	75,2	-0,5	
7	НМ-1999-97	0,5	1,2	87,7	99,4	99,4	76,7	+1,0	70,0
8	2-15	0,8	1,2	86,2	99,2	99,4	72,5	-3,17	

“Муштарак” навининг пивобоплик хусусиятлари донининг йириклиги 95,5 %, унувчанлик қуввати 99,8 %, унувчанлик қобилияти 99,8 %. Экстракт моддаси 77,6 % бўлса андоза навга нисбатан 0,8 % юқори бўлганлиги ҳисобига қўшимча 56 т/литр кўп пиво маҳсулоти олиш имконияти мавжуд (12-жадвал).

